



Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 234 (13.831)

Баҳоси эркин нарҳда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 декабрь куни АҚШнинг Афғонистондаги ярашиш масалалари бўйича махсус вакили Залмай Халилзод ва АҚШ Президенти ёрдамчисининг ўринбосари, Миллий хавфсизлик кенгашининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича катта директори Лиза Кёртисни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари АҚШ делегациясини самимий қутлар экан, мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик жадал ривожланаётгани ва изчил мустақамлашиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди. Жорий йил май ойида АҚШга олиб бораётган таъриф якунида эришилган келишувлар стратегик шерикликнинг янги даврини бошлаб бергани таъкидланди.

Залмай Халилзод ва Лиза Кёртис самимий қабул учун Президентимиз Шавкат Мирзиёевга миннатдорлик билдириб, Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трампнинг саломини ва эзгу тилақларини етказди.

Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг қўшни мамлакатлар, жумладан, Афғонистонга нисбатан ташқи сиёсатида юксак баҳо берилди.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш бўйича комплекс чоралар қабул қилинди.

## Залмай ХАЛИЛЗОД: ЎЗБЕКИСТОН ИЛГАРИ СУРГАН ТАШАББУС АФҒОНИСТОН УЧУН ЖУДА МУҲИМ

АҚШнинг Афғонистондаги ярашиш масалалари бўйича махсус вакили Залмай Халилзод Президентимиз билан ўтказилган музокара ва Афғонистонда тинчлик ўрнатишга оид долзарб масалалар ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди:

Аваламбор Ўзбекистонга келганим ва Президент Шавкат Мирзиёев билан учрашганимдан гоят мамнун эканлигимни алоҳида таъкидлашни истардим. Мулоқотда АҚШ – Ўзбекистон ҳамкорлик алоқалари ва шериклик муносабатлари, мамлакатимизнинг кенг қўламли ислохотлар жараёнида эришаётган ютуқлари, шунингдек, долзарб халқаро ва минтақавий масалалар юзасидан фикр алмашдик.

**ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ**  
Пойтахтимиздаги Ёшлар марказида "Фаол тадбиркор – ижодкор нигоҳида" республика ижодий танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди, дея хабар беради ЎЗА.

## ТАДБИРКОРЛАР ФАОЛИЯТИНИ ФАОЛ ЁРИТГАН ИЖОДКОРЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги билан ҳамкорликда Фаол тадбиркорлик, инновацион оғиллар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили муносабати билан ташкил этилган танловда ишбилармон замонамиз қаҳрамонлари фаолияти ҳақида мақолалар, очерк ва китоблар ёзган фаол журналист, ёзувчи ва ижодкорлар ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди.



Тадбирда УэлиДеп сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси раиси Ақтам Хайтов, Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саидов сўзга чиқиб, халқимиз турмуш фаровонлигини янада оширишга ҳизмат қилаётган илгор тадбиркор, фермерлар фаолиятини ёритиш, таърибларини кенг оммалаштиришда тинмай меҳнат қилаётган ижодкорлар тўғрисида фаол тадбиркорлик маданияти шаклланиб, ёшлар қизиқиши ортаётганини алоҳида таъкидлади.

ЎЗА мухбири М.ЭЛМУРОДОВ ёзиб олди

**XXI саҳоси**  
Барча маълумотлардан олдинчи сўнги хабарлар

**МАМЛАКАТИМИЗДА**  
Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси мусиқаси муаллифи, атоқли композитор Мутал Бурҳоновнинг уй музейида Бухоро шаҳридаги 4-умумтаълим мактаби ўқувчилари иштирокида "Буюк ва муқаддас Ватан мадҳияси" шиори остида маданий-маърифий тадбир ўтказилди.

- Қарши шаҳрида фаолият кўрсатаётган "Biss electronics system" масъулияти чекланган жамияти томонидан умумий қиймати 2 миллиард сўмлик бўлган лойиҳа доирасида телевизорлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ва бунинг натижасида 40 га яқин иш ўрни яратилди.
- Улуғнор тумани Оқолтин қишлоғида бўлиб ўтган ҳосил байрамида Андихон вилоятининг барча туман ва шаҳарларидан ташриф буюрган қишлоқ хўжалиги соҳаси илгорлари, меҳнат фахрийлари, кенг жамоатчилик вакиллари, қўшни вилоятлардан келган меҳмонлар иштирок этди.

## ЖАҲОНДА

- 600 минг аҳолига эга кичик Люксембург мамлакатига аҳоли учун катта қулайлик қратишга қўл урилди.
- Япониянинг "Softbank Robotics" компанияси сўнги интеллектуал фаррош-робот яратди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн еттинчи ялпи мажлиси 2018 йил 13 декабрь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилди.







МАЛАКАЛИ МУРАББИЙ ЖАЛБ ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон миллий олимпия қўмитаси президенти, мамлакат футбол ассоциацияси биринчи вице-президенти Умид Аҳмаджонов Жанубий Кореяда бўлиб қайтди.

Миллий олимпия қўмитаси раҳбари сафар давомида Ўзбекистон тазквондо ассоциацияси раиси Аҳмаджон Раҳимов билан бирга бир неча муҳим учрашувларни ўтказди.

Миллий олимпия қўмитаси президенти Чунг Вон Чой билан ташкил этилди. Учрашувда Умид Аҳмаджонов ва Аҳмаджон Раҳимовга Ўзбекистон Республикасининг Жанубий Кореядаги фавкулдда ва мухтор элчиси Виталий Фен ҳам ҳамроҳлик қилди.

зиденти Бутунжаҳон тазквондо федерацияси раҳбаридан Ўзбекистон терма жамоаси учун малакали мураббий жалб қилиш бўйича амалий ёрдам сўради.

Спорт янгиликлари

ЎТИШ ТУРНИРИДА КУЧЛИЛАР ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

Жорий йилги футбол мавсумида Суперлига ҳамда Про-лига жамоалари миллий чемпионат баҳсларини якунлашди.

Аммо, янги форматга кўра, Про-лигада энг яхши ўринларни эгаллаган иккита жамоа Суперлига кўйи оптилигида 10, 11-ўринларни эгаллаган клубларга қарши ўтиш ўйинларида омадини синаб кўриши керак эди.

Яқинда "Пахтакор" марказий стадионида "Сўғдиёна" ҳамда "Машъал" жамоалари Суперлига йўлланмаси учун кураш олиб боришди.

Олмалиқнинг АГМК ҳамда Фарғонанинг "Истиклол" жамоалари ўртасидаги ўтиш турнирининг иккинчи учрашуви Тошкентнинг "Локомотив" стадионида бўлиб ўтди.

Шундай қилиб, ўтиш турнири якунларига кўра, келгуси йили Суперлигада "Сўғдиёна" ва АГМК ғолиблик учун кураш олиб боришади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

МЕРГАНЛАРИМИЗ ҚОЗОҒИСТОНДА БЕЛЛАШМОҚДА

Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида камондан отиш бўйича халқаро хотира турнир старт олди.

Баҳсларда Арманистон, Грузия, Тожикистон, Қирғизистон, Мўғулистон, Туркменистон, Украина, Россия, Қозоғистон ва Ўзбекистондан 180 нафардан зиёд спортчи иштирок этишмоқда.

Келдиёр Ҳасанов, Мафтуна Маҳмудова, Озодбек Унгалов, Шерзоджон Асадов, Севинчбек Абдурахмонов, Чен Яо Юй каби спортчилар ҳимоя қилмоқдалар.

Ботир ХҲЖАЕВ

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Республика техник ва амалий спорт турлари марказида супер мотокросс спорт тури бўйича Республика мусобақаси ўтказилди.

Турнирда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, барча вилоятлардан Республика ва халқаро турнирларда ғолиб ва совриндор бўлган 30 нафар спортчи иштирок этди.

МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

этиш, спортнинг супер мотокросс турининг оммавийлигини оширишга қаратилди.

лар ўртасида двигатель ҳажми 85 см³, 15 ёшдан 18 ёшгача бўлган спортчилар ўртасида двигатель ҳажми 125 см³, 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган спортчилар ўртасида двигатель ҳажми 500 см³ мотокцикллар иштирок этди.

Мусобақанинг финал босқичига 150 нафардан ортик ёшлар томошабин сифатида ташриф буюришди. Улар мусобақа натижаларига кўра Аброрбек Жуманов, Дадажон Тўйчиев, Андрей Сазоновлар ўз ёш тоифалари бўйича биринчиликини қўлга киритдилар.

бақа жараёнини кузатиш билан бир қаторда супер мотокросс спортчи мураббийлари ва спортчилардан мазкур спорт тури ҳақида маълумотлар олишди, спортчиларнинг мотокциклларда кўргазмалли чиқишлари, ҳаяжонли пойғаларини кузатишди.

Мусобақа натижаларига кўра Аброрбек Жуманов, Дадажон Тўйчиев, Андрей Сазоновлар ўз ёш тоифалари бўйича биринчиликини қўлга киритдилар.

Зиёда РАСУЛОВА

"101"

ҲУШЁР БЎЛСАК ХАВФ БЎЛМАЙДИ

Ҳозирги кунда юртимизнинг ҳар бир гўшасида замонавий бинолар, мактаб, мактабгача таълим муассасалари, ўқув юртлари, даволаш муассасалари, уйлар ва шунга ўхшаш иншоотлар қад кўтармоқда.

Мана шундай шинам, чиройли масканлар борлигига шукроналар айтсанг арзийди, лекин биргина қилинган хато, яъни эътиборсизлик, табиий газ ва электр қувватидан нотўғри фойдаланиш, эҳтиётсизлик оқибатида қулфат келишини бир ўйлаб кўринганми?

Шундай экан ҳар бир фуқаро ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилса, наинки бундай кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олган, балки инсонлар ҳаётини сақлаб қолган бўлади.

Абдумавлон АБДУЛАЗИЗОВ, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасини ёнгиндан муҳофаза қилувчи ЎХБ кичик инспектори, сафдор

Тинч ҳаётимизга таҳдид солувчи хавфлардан бири ёнгин офати бўлиб, у қай тарзда юзага келишига қарамай, ўзиндан мудиш изланиши қолдириши барчага маълум.

Айни шу "тилсиз ёв" ҳужуми сабабли йилга қанчадан-қанча кишилар бошланасиз қолади, кўпчилик эса саломатлигидан айрилади, баъзилар эса яқин кишиларини йўқотади.

Ёнгинга сабаб бўлувчи ҳолатлар кўп учрайдиган қиш мавсумида барча ҳамшахарларимизни эҳтиёткорликка чақириб қоламан.

Бугунги ўта шиддаткор замон ҳар соҳада, айниқса ёнгин хавфсизлиги борасида ҳар биримиздан ҳушёрлик ва огоҳликни талаб этади.

Ёнгин хавфсизлигини таъминлашда бир оз бўлса ҳам ҳушёрликни унутмас қатта талафотларга сабаб бўлиши мумкин.

Бундай салбий оқибатлар барчамизни ёнгинга қарши курашишга, унинг олдини олишга ва албатта, хавфсизлик қоидаларига риоя этишга ундайди.

Камолитдин БОЙНАЗАРОВ, Ўзбекистон Анжуманлар саройини ёнгиндан муҳофаза қилувчи ЎХБ инспектори, катта сержант

Эҳтиётсизлик ёки бошқа бирор сабаб билан келиб чиққан ёнгин оқибатида уй ёки ишхона, у ерлардаги моддий бойликлар чин маънода ёниб, қулга айланиши ҳеч гапмас.

Тошкент Оқшоми, Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: Эълоплар: (0-371) 233-28-95. Факс: (0-371) 233-29-55. 2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта булимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ. 12345

3-оз ўрганиб доно бўлур

ҲИКМАТЛАР ҲАЗИНАСИ

Эй фарзанд, яхшиларга интилиб, хайрли ишлар қил, вақтинги беҳуда ўтказма, умрни елға берган одамнинг баҳори хазонли, кузи тўзонли бўлади.

Эй фарзанд, қўлинг гул, хунаринг мўл бўлсагина муҳтожлик кўрмайсан.

Яхшилик гўзал фазилат, ундан фақат лаззат туйғуси унади.

Яхшилик гул уруғига ўхшайди, ундан муаттарлик ва гўзаллик пайдо бўлади.

Яхшилик — роҳат келтирур, Ёмонлик — офат келтирур.

Тинч яшай десанг, қўлингда бориға қаноат қил!

Қаноат — қанд билан асал. Беқаноат — қунда касал.

Тугилмоқ, ўлмоқ — бу табиий бир ҳол, бироқ эзгу ишга етмайди завоқ, Дунёга беҳуда келиб кетмасдан, халқ учун хайрли иш қилиб қол.

Балки бўлмасмиди тириклик бўлмаса бир бурда нон. Хайрият бор! Йўқ эса, оламда ким сақларди жон?!

Ерга тушса бурдаси пуфлаб, олурлар кексалар, ҳам ўпиб, кўзларига суртиб, афсус этгайлар шу он.

Ҳар инсон касбу қорини мукамал билмоғи, яхши тарбия олмоғи, яхши хулқ-атворга, фазилатларга эга бўлмоғи керак.

Ғазабни майинлик билан, ёмонликни яхшилик билан, очқўзликни сахийлик билан енгишга эришинг.

Тўғрилиқ — инсонни самимиятига, ҳақиқатгўйликка, номусли ва иродали бўлишга олиб боради.

Яхши билан юрсанг етарсан муродга, Ёмон билан юрсанг қоларсан уятга.

Яхшида гина бўлмас, ёмондан гина кетмас.

Яхшидан бог қолар, ёмондан доғ қолар.

Яхши одам ошини, ёмон одам бошини ер.

Қасд қилган ўзар, ҳасад қилган тўзар.

Дили қинғирнинг тили қинғир

Уч нарса кишининг ақлини пешлайди: бири олимлар ва кексалар билан суҳбат, иккинчиси ҳаётий тажриба, учинчиси чидан ва сабот билан интилиш.

Инсон икки нарсанинг қадрини фақат йўқотгандагина билади: бири ёшлик, бири соғлик.

Профессор Ойша ТЎРАЕВА тайёрлаган

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ. рат кечаси — 0-2, кундузи — 8-10 даража илқ бўлади. Узгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотиға кўра, 12 декабрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.